



Тасвир

● 4 (2268)

● 1991 ЙИЛ 12 ЯНВАРЬ

● ШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИЙИН

Ҳодиса изидан

ЮЗАДА ҚОЛГАН САБАБЛАР

Тошкент тергов қамоқхонасидан қочганлар тўғрисидаги хабар шаҳарни ларзага солиб, жуда тез тарқалди. Жиноят содир қилишда гумон қилинаётган беш киши қочди.

Рўй берган бу ҳодисани ваҳима қилиб шов-шув кўтармоқчи эмасмиз. Бироқ излар совушга улгурмасдан айбланувчилар қочганлигининг кўриниб турган сабаб ва омиллари ҳақида айтиб ўтишни зарур деб ҳисоблаймиз.

Равшан Бўриев Сирғали даҳасида яшовчи аёл ва унинг уч нафар ёш болалари қотили сифатида, **Асатулла Султонов** ўқотар қуролдан Т. Олимнинг умрига зомин бўлганликда, **Ҳамидулла Қозоқов** автомат ва тўп-понча ўқ-дориларини сақлашда, **Петр Прядкин** Янгийўл ноҳиясида яшовчи Г. Ларисанинг уйига босқинчилик ҳужумида, **Алижон Миралиев** эса товламачиликда айбланадилар. Улар ўзлари сақланаётган камерадан ол-

ти метрга яқин лаҳм қазиб, ташқарига чиқиб кетишган. Хўш, улар нимадан ва қандай қилиб «асоб» тайёрлашган? Асбоблар камерага қайси йўл билан тушиб қолган? Уларнинг кўмакчилари борми? Мақсадларини амалга ошириш учун лаҳм қазिशга қанча вақт зарур бўлган?

Дастлабки маълумотларга қараганда, бир сутнадан кўпроқ вақт керак бўлган. Қамоқхона ходимларининг айтишларига қараганда, уларнинг қочиб кетиши учун бир неча соат етарли бўлган, холос. Ҳар хил фикр ўртага ташлаётгани тасодифий эмас. Тўғриси «билмадим» деб тан олинисини истардик. Чунки камерада енг шимариб лаҳм қазилган. Кавлаш ишларининг тугалланиш пайтида тупроқ уюми тоғдек уюлиб, уни чиқариб ташлашнинг мутлақо имконияти бўлмаган ва буни пайқамаслик мумкин эмасди.

Беш нафар айбланувчи ўзлари содир этган жиноят-

нинг моҳиятини тушунган ҳолда озодликка интилишдими? Йўқ, албатта. Улардан иккитаси қаттиқ жазога тортилишини ҳис қиларди. Қозоқов, Прядкин ва Миралиевлар эса меҳнатлари, оилавий аҳволи ва муқаддам судланмаганликларини ҳисобга олиб, одил суднинг енгил жазо беришига ишонилари мумкин эди. Бироқ беш кишига бетон ва гиштли девордан ўтиш, зах бўлсада, заранг бўлиб кетган тупроқли ерни қазिश осонроқ, албатта.

Бўлажак ҳукмдан чўчитиш эвазига жиноий гуруҳни ким тузди? Балки бунинг асосчи қотилликда айбланаётган Р. Бўриевдир? Ёки илгари номушга теккани учун судланган, жиноятчилар дунёси ва ахлоқи билан таниш бўлган, кучсизларни бўйсундиришга ўрганган А. Султоновмикан?

30-йилларнинг охирида қурилган Тошкент тергов қамоқхонаси кейинчалик ҳам бошидан кўп қурилишларни кечирди. Барибир сони ўсиб

бораётган «мижозлар»га хизмат кўрсатишдан, қўйилаётган талабларга жавоб беришдан орқада қолаверди. Буни осонликча лаҳм қазиб, ташқарига чиқиб кетганлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Шунга қарамасдан форма кийиб юрган киши қамоқхона кийимидаги одамларнинг жиноий ҳатти-ҳаракатларини тўхтатиб қолиши мумкин эди. Ҳозирнинг ўзидаёқ ишонч билан айтиш мумкинки, назоратчи хизмат бурчига ниҳоятда совуққонлик билан қараган. Камерага ўз вақтида қараб турмаган. Бу хонадаги тупроқ уюмидан ҳам кўриниб турибди.

Ўйлаймизки, бу фавқулқодда ҳолат тергов қамоқхонасидаги ходимлар учун жиддий сабоқ бўлади. Албатта, бунинг учун юқорида тилга олинган ва юзада қолган сабабларни тугатиш, керак.

Лев ОФФЕНГЕНДЕН,
ўз мухбиримиз.

ТАКЛИФИМ БОР

МАХСУС КИЙИМ ҲАҚИДА

Ўрта Осиё ўзига ҳос иқлимга эга. Халқимиз иссиқ-сеवार. Мен айтмоқчиманки, кийим-бош ҳар бир ўлканинг об-ҳаво шароитига мос бўлса. Буни бежизга тилга олмаяпман. Чунки кўплаб ходимларимиз берилаётган шинель ва чарм этикларда тунги совуққа бардош бериш мушкул эканлиги ҳақида тўхтовсиз шикоят қилишади.

Чимёнда қиш пайти халқаро миқёсдаги турли хил мусобақалар ўтказилади. Бу ерда 9 та постимиз мавжуд, участка инспекторларимиз бор. Бурчмулла зонасида 18 нафар милиционеримиз, соқчилик хизматининг 90 дан ортиқ ходими бурчини ўтамоқда. Улар кун-у тун хизматда. Қишнинг изгиринли кунлари тоғ шароитида совуқ 20 дан 30 даражагача етади. Шамдек қотадиган совуқда шинель ва чарм этикда туни билан соқчилик қилишни бир тасаввур қилинг-а. Ахир, одам боласи темир эмас-ку, баъзан узрли-узрсиз ишга чиқмаслик ҳоллари ҳам бўлмоқда. Агар ходимларимиз иссиқ кийим билан таъминлансалар, ўйлайманки, хизмат бурчларига ҳам виждонан ёндашиб, ишга ҳам бутун куч-ғайратларини сарф этишган бўлишарди. Менинг таклифим шундан иборатки, тоғ шароити ҳисобга олиниб, ихчам, иссиқ, ичи юнгли кийим-бош ва оёқ кийимлари берилса.

Мирзатилла РАҲМАТБОВЕВ,
Бўстонлик ноҳия ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори.


ДИҚҚАТ, ҚИДИРУВ!

Ўзноманинг шу йил 8 январь сонидан Тошкент шаҳ-

ридаги тергов қамоқхонасидан беш нафар жиноят со-

дир қилишда айбланувчиларнинг қочганлиги, улардан бири ушлангани тўғрисида хабар берилган эди. Шу муносабат билан ЎзССЖ ИИВ-

да тузилган штаб жумҳуриятимиз аҳолисидан қочқларнинг қаерда эканликларини аниқлашда ёрдам беришни сўрайди.



Бўриев Равшан Асидович, 1964 йилда туғилган, миллати ўзбек, Тошкент вилоятининг Калинин ноҳиясидаги Қорасув давлат хўжалигида ишлаган. Тошкент шаҳар Сирғали ноҳияси Маҳмудов кўчасидаги 2-берк кўча 8-уйда яшаган. Қотилликда гумон қилиниб қамалган.

Белгилари: Бўйи 170—175 см, сочи қора, кўзи жигарранг, чап қўлида рус тилида «Не забуду мать родную» деган ёзув, ўнг қўлида гул расми бор.




Қозоқов Ҳамидулла, 1957 йилда туғилган, миллати ўзбек, Чимкент вилояти Саригороч курорти Завод кўчаси 19-уйда истиқомат қилган. Ўқ-дорилар сақлаганликда айбланиб қамалган.

Белгилари: Бўйи 170—175 см, сочи қора, кўзи жигарранг, қошлари қалин ва энли.



Султонов Асатулло, 1966 йилда туғилган, миллати ўзбек, муқаддам судланган, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги Ким Пен Ха номли жамоа хўжалигида яшаган. Қотиллик содир этишда айбланиб қамалган.

Белгилари: бўйи 165—170 см, сочи ва кўзлари қора.



Прядкин Петр Васильевич, 1959 йилда туғилган, миллати рус, Тошкент вилояти Янгийўл шаҳри Самарқанд кўчасидаги 276-уйнинг 48-хонадонига яшаган. Босқинчилик ҳужумида гумон қилиниб ҳисобга олинган.

Белгилари: бўйи 170—175 см, сочи оқ-сарик, кўзлари оч жигарранг.

ФУҚАРОЛАР ЁРДАМИДА УШЛАНДИ

Ўзномамизнинг ўтган сонидан тергов қамоқхонасидан қочганлардан бири ушлангани ҳақида хабар бергандик. У қаерда ва қандай қўлга олинди?

Тошкент шаҳар Киров ноҳияси ички ишлар бўлими 1-милиция бўлинмаси навбатчиси диққатини 6 январь кунини тоғ отарга яқин маҳаллада яшовчи фуқаролар бўлди. Улар маҳаллада бегона тўрт киши ўралашиб юришганини, ҳатти-ҳаракатларидан

ниятлари бузуқлигини айтишди.

Жиноят қидирув ходими, милиция лейтенанти А. Гилязов ҳайдовчи Қ. Файзибоев билан шошилчи ўша ёрқотганини, Ҳиёл кечикишганда, имконият бой бериларкан. Чунки йўл четидан киши маҳбуслар кийимини ечиб, бошқа уст-бош кийишга улгурган экан. Милиция ходимларини кўриб, қочиб урниниб кўрди. Тажрибали ходим А. Гилязов унинг ре-

жасини пучга чиқариб, дарҳол ушлади ва қўлига кишан солди.

Бўлинимага келтирилган номаълум кимса аввалига шу ерда яшовчи танишини қидириб келиб, адашиб қолганини айтди ва қўйиб юбориларини ўтиниб сўради. Бироқ кўзларини тарк этмаётган ҳадик эса гирт ёлгон сўзлаётганидан дарак бериб турарди.

Сўроқ узок давом этди. Ё вақтдан ютишга, ё яна бирон-бир нажот йўли чиқиб

қолишига умидвор кимса ҳар хил исм-шарифларни тилга олди, текширишлар эса буни тасдиқламасди. Ҳийла-найранг ўтмаганлигига тўла ишонч ҳосил қилгачина тўғриси айтишга мажбур бўлди.

Фуқаролар кўмаги туфайли қўлга олинган шахс тергов қамоқхонасидан қочган ва товламачиликда гумон қилинаётган 33 ёшли Миралиев Алижон Адагамович экан. Унинг «ҳамхоналари»ни қидирув давом этмоқда.

Исмоил МИНАВВАРОВ,
«Постда» мухбири.



Суратда: айбланувчилар қамоқхонадан ана шу туйиқ орқали қочиб кетган.

ТУНДА ОТИЛГАН ЎҚ

Кечаси соат иккиларда Совет ноҳияси ички ишлар бўлимига қаттиқ қўрқув ҳолатидаги аёл кириб келди.

— Биринчи микрорайон, 55-уйда отишма бўляпти, тезроқ!

Ҳодиса рўй берган жойга биринчи бўлиб пост-патруль хизмати ходимларидан милиция старшинаси Тоҳир Усмонов билан милиция катта сержанти Муҳиддин Йўлчиевлар етиб келишди.

Хонадов эшиги қўнғирогини босиб, ўзларини таништирдилар. Бунга жавобан ичкаридан кимдир милиция ходимларига қарата қуролдан ўқ отди. У эшикни пиёла оғзидай ёриб, рўпарадаги хонадон эшигига тегди. Ходимлар қуролли кишини ақл билан иш кўришга чақирдилар. Аммо шу пайт эшик бирдан очилиб, жиноятчи чиқди: «Ҳаммангни қираман, отаман». — деб қуролини М. Йўлчиевга қаратди. Ми-

лиция ходими ундан хиёл олдинроқ тепкини босишга улгурди.

— Жиноятчи 1964 йилда туғилган Юрий Великов бўлиб, ундан ўқланган ов мийтиги ва белидаги патронтош камаридан йиртқиш ҳайвон овлашга мослашган 12 дона ўқ олинди. Агарда у вақтида зарарсизлантирилмаганда, хавфли жиноятлар содир этиши мумкин эди, — дейди Совет ноҳияси прокуратураси катта терговчиси Аҳмаджон Қозоқов.

Н. МАМАЖОНОВ,
жамоатчи мухбир.

ЁМОН ХУЛҚ БОШ ЭГДИРДИ

Ўсмир вужудд нозик. Эшикдан ҳар хил спиртли ичимликлар, наркотик моддаларни истеъмол қилишга ружу қўйиш саломатлигини эгавлайди. Афсуски, ёшлар ўртасида бунинг англаб етмаганлар бор.

Пахтакор ноҳиясидаги 2-хунар-техника билим юртида

бўлажак касб сирларидан сабоқ олаётган Сергей Чалий эндигина ўн олти ёшга кирди. У велосипед миниб келаётган милиция ходимларига кўзи тушганда, ўзини бежо тутиб қолди. Тўхтатиб текшириб кўрилганча, ёнидан 37 грамм наша чиқди. Муйлаби яқиндагина сабза

урган Мусурмон Язқулиев ҳам катта ҳаёт остонасида хато йўлни танлабди. Унинг киссасидан 63 грамм наша топилди.

Бошлари эгик икки ўсмир ёмон хулқ-атвори туфайли терговчилар ҳузурда сўроқ беряпти.

Б. МУРОДОВ,
Жиззах вилояти.



Милиция майори Раҳмат Мўминов 12 йилдирки, участка инспектори бўлиб ишлайди. Уз бурчини яхши англайди, қийин вазиятларда ҳам саросимага тушмайди, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишда доимо сергак. Шу боис ҳам у хизмат кўрсатган Бухоро ноҳиясидаги «Маданият» жамоа хўжалиги аҳолисининг ҳурматига сазовор бўлмоқда.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга): участка инспектори ёрдамчиси С. Ҳошимов, штатсиз участка инспектори Ф. Аҳмедов, милиция майори Р. Мўминов, Работиқалмоқ қишлоқ Советининг раиси Ф. Наврузовлар галдаги вазифалар хусусида маслаҳатлашмоқдалар.

Е. ЗУЕВ суратга олган.

ОДАМ ЙЎҚОЛДИ

Бедарак йўқолди! Милиция маълумотларидаги қисқа сатрларда дуч келинади-кан бу сўз урушининг акс садои эмас. У тинч даврда тўсатдан бошга тушган айрилиқни, изтиробли инсон тақдирини ифодалайди. Бедарак йўқолди! Бу сўз юракка ҳанжардек санчиладан, жигаргўшасининг тириклигига умид уйғотувчи ягона тасалли.

Нима учун одамлар домдараксиз йўқолишади? Йўқолиш сабаблари ҳар хил бўлса-да, уларни иккита асосий гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳдаги одамларнинг ном-нишонсиз ғойиб бўлиши жиноят юз бергани билан изоҳланади. Иккинчи гуруҳга дом-дараксиз йўқолиш ҳолларининг ҳаммаси (асаб касаллиги ҳуружи, бахтсиз ҳодиса, яширинча даволаниш, қариндош-уруғларига кетиб қолишини билдирмаслик ва бошқалар) қиради.

Милиция ходимлари фуқаролар қайси сабаб билан йўқолишидан қатъий назар уларни қидириб топиш, яқинлари бағрига қайтариш, тақдирини аниқлаш борасида катта ишларни амалга оширадилар. Жумҳурият ички ишлар идораларининг қидирув билан шугулланаётган 115 нафар ходими томонидан ўтган йили икки мингдан зиёд бедарак йўқолган шахслар қидириб топилди. Бутуниттифоқ ва маҳаллий қидирувдаги тўрт мингдан кўпроқ жиноятчи аниқланди.

Бироқ бугун қидирувда ишлаш осон эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Баъзан яқинлари йўқолган кишилар бизларга ҳақли эътироз билдиришади. Афсуски, оддий қидирув техникасининг йўқлиги, мутахассислар етишмаслиги, катта ҳажмдаги иш қидирувни оқсатмоқда. Керак пайтида ҳатто авиа ва темир йўл чипталари билан таъминлаш ҳам дуруст ташкил этилмаган.

Шунга қарамасдан жумҳурият ички ишлар вазирлиги бедарак йўқолганларни қидириш муаммоларини

ечишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Масалан, жумҳурият солиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда мамлакатда иккинчи ва Ўрта Осиё минтақасида биринчи бўлиб бахтсиз ҳодисалар бюроси ташкил этилди. Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳузурда иш олиб бораётган бюронинг вазифаларидан бири пойтахт ва пойтахт вилояти, Ўрта Осиё темир йўли ҳудудида топилган шахси ноаниқ мурдалар, тиббий муассасаларга жойлаштирилган ва аҳолига кўра ўзи ҳақида маълумот беролмайдиган жабранувчилар тўғрисидаги ахборотни йиғиш ва бундан фуқароларни хабардор этишдан иборат. Куннинг исталган вақтида Сизга 33-28-14, 56-97-39, 56-98-58 рақамли телефон орқали жавоб беришади.

Бундан ташқари мазкур вазирлик билан ҳамкорликда суд-тиббий экспертизасида янги усул — «Ирсий чоғиш-тирма»ни қўллаш масаласи ўрганиб чиқилмоқда.

Қидирув ишларимизга ҳозирги вақтда жумҳурият турар-жой ва коммунал хўжалиги вазирлиги, Фуқаровий авиациянинг Ўзбекистон бошқармаси ҳам яқиндан кўмаклашмоқда. Уларнинг ёрдамида ўтган йили Бутуниттифоқ қидирувидаги 50 дан зиёд жиноятчи ушланди.

Албатта, кенг жамоатчилик ва тегишли идоралар ёрдами бизга жуда асқотади. Лекин оғирлик барибир бизнинг зиммамизда. Бу — бурч тақозаси. Бугунги вазифаларнинг бениҳоя мураккаблиги ходимлар малакаси, ўқуви ва маҳоратини тинмай ошириш зарурлигини очик-ойдин кўрсатмоқда. Биз бу йўлда барча куч ва воситаларни сарфлаймиз. Токи фуқаролар хонадонига ногоҳон тушган кулфат тезда бартараф бўлсин.

Александр КУЗНЕЦОВ,
жумҳурият ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув бошқармасининг бўлим бошлиғи, милиция подполковниги.

Ўзбекистон жумҳурияти ички ишлар вазирлиги қошидаги соқчилик бошқармасига яшириб қўйилган наркотик моддаларни топишда милиционер-кинолог, милиция старшинаси Олег Ханджяннинг «Беф Султан» лақабли хизмат итидан фойдаланилганлиги ҳақида расмий хабар келди.

Бу хабарни олгач, соқчилик бошқармасининг жумҳурият бўйича соқчилик бўлимларида хизмат итларини ўргатиш бўйича ташкилий ишлар билан шугулланувчи милиция капитани А. Ардашевдан кинолог О. Ханджян ҳақидаги маълумотларни олдим.

Мени Олег Мкртичевич Ханджян билан шахсан учрашимизга ҳам капитан Ардашев ёрдам берди.

Олег жуда камтарин, камсухангина ёш йигит экан.

— Болалигимдан, итларни севаман, — дейди ймаинибгина. — Мени дастимдан фақат ўз кўчамдаги эмас, ҳатто қўшни маҳалладаги итларга ҳам тинчлик йўқ эди. Улар билан ўйнагим, нималарнидир ўргатгим келарди.

Улғайган сарим ўзимни итларсиз тасаввур қилолмаслигимни сездим. 1980 йили ўргатилган шахсий итим «Дейк» билан соқчилик бўлимининг питомниги (итқўраси)га ишга келдим. 1983 йили эса милиционер-кинолог бўлдим.

Менинг «Дейк»им жуда уста изқувар эди. Унинг ёрдамида 1980 йилдан то 1987 йилгача жуда кўп жиноятлар очилган.

1986 йилнинг октябрида Андижон шаҳрида биринчи бор ўтказилган жумҳурият соқчилик бўлимлари милиционер-кинологлари махсус кўпкураш мусобақасида «Дейк» билан бирга биринчи ўринни эгаллаб, чемпион унвонига сазовор бўлдим.



Худди шундай мусобақа 1987 йилнинг майида Бухорода ўтказилди. Унда ҳам чемпион унвонини сақлаб қолдим.

— Олег, айтингчи, чемпи-он бўлиш қийинми?

— Ҳа, албатта, олдимизга қўйилган барча шартларни (улар оз эмас) мен ҳам, у ҳам бенуқсон бажаришимиз керак. Мен уларни бажариб, итим биргина хатоликка йўл қўйса ёки аксинча мендан хатолик ўтса, тўплаган балларимиз камайиб, омад қўлдан кетади. «Дейк» жуда зўр спортчи бўлгани туфайли у билан бундай беллашувларга ҳеч иккиланмай борардим. Минг афсуски, 1987 йили у нобуд бўлди.

Шундай қилиб, ишни қайтадан бошлашга тўғри келди. Итқўрамизда жуда ёш «Беф Султан» лақабли кучукча бор эди, шунини олишга қарор қилдим. Машқ бошлаган биринчи ҳафтадаёқ бу кучукча ўзини ниҳоятда қобилиятли эканини кўрсатди.

«БЕФ СУЛТАН» ПАНД БЕРМАЙДИ

ва тез фурсат ичида яхшигина изқувар бўлиб етишди.

Бора-бора бу итнинг бошқа хизматга ҳам қобилиятли эканлигини сездим. Шу сабабдан уни наркотик модда излашга ўргата бошладим. Бу вазифани ҳам у моҳирлик билан бажаряпти.

— Олег Мкртичевич, «Беф Султан» итқўрага қаердан келган?

— «Беф Султан»ни бир нотаниш киши бошқа юртга кетаётганида бизга сотиб кетган. Бу кучукча немис «Ри-зеншнауцер» зотидан бўлиб, бу итлар ўта идрокли ва тиниб-тинчимаслиги билан машҳур.

— Итни наркотик модда билан ишлашга ўргатишда қандай қийинчиликлар бўлди?

— Юқорида айтганимдек, у ўта қобилиятли, шу сабабли қийинчилик сезмадим. Бу ишимда жумҳурият соқчилик бошқармаси томонидан

соқчилик бўлимлари милиционер-кинологлари ва уларнинг хизмат итларини наркотик моддаларни топишга ўргатиш бўйича 1989 йил октябр ойида ўтказилган махсус машғулотлар катта роль ўйнади.

— Қандай вазиятларда «Султан» ёрдам беради?

— Кўпинча наркотик моддалар тарқатувчи-сотувчилар қўлга олинганда ишларидан тонадиларда: «Мен сотмадим, аксинча номаълум шахслардан сотиб олдим», — дейдилар, Мана шундай ҳолларда оператив ходим ёки терговчи уларнинг айбини исботлаш мақсадида уларнинг ёни бошқа ерларни тинув қилишига тўғри келади. Бунда менинг тўрт оёқли дўстим ёрдам беради.

Мисол учун, фақат кейинги ой ичида 35,8 грамм нашани У. деган шахснинг уйида яшириб қўйилган жойидан «Султан» суғуриб чиқди.

Яна бир наркотик тарқатувчиникида ишлатишга тайёрлаб қўйилган 5 та ампула промедол ва ҳар бири 7 граммдан қадоқланган 6 ўрам нашани топди.

Куня кеча Чирчиқ шаҳар Красногвардейск кўчасидаги

уйда ўғирлик содир бўлди. Бу ерга «Султан»ни олиб келганимизда, у ҳеч иккиланмай шу кўчада яшовчи шахснинг уйига бошлаб борди. У ердан фақат ўғирларни эмас, ҳатто ўғирланган молларни ҳам топиб берди.

— Олег, «Султан» наркотик излаганда ҳеч мағлубиятга учраганми?


— Нима десам экан, у наркотик турган ерни беҳато топади, лекин баъзан у жойдан моддаларни олиб кетишган бўлади. Шундай пайтларда «Султан» жуда ҳаяжонланиб, ўша ерни титиб ташлайди.

— Бу итингиз билан ҳам чемпион бўлиш ниятингиз борми?

— «Султан» тўрт ёшга қирапти. Айни навқирон вақти. 1990 йил апрель ойида Хива шаҳрида чинчи бор жумҳурият биринчилиги учун милиционер-кинологлар ўртасида махсус мусобақа бўлди. Мен ҳам ўз итим билан қатнашиб, қўйилган шартларнинг икки тури бўйича иккинчи совриндор ўринни эгалладик. Ўйлайманки, кейинги беллашувда юқори-роқ ўрин бизники бўлади.

Ҳа, жумҳурият соқчилик бўлимлари хизмат итлари орасида наркотик моддалар билан ишлашда «Беф Султан» ҳозирча ягона ҳисобланади. Лекин вилоятларимизда О. Ханджяндан қолишмайдиган кинологларимиз оз эмас. Бу мақолани ўқиганларидан сўнг «Беф Султон» сафи ҳали кенгайди деган умиддамиз.

Революция ҲАСАНОВА.



Тошкент шаҳар ижрокўми ИИБ жиноят қидирув бошқармаси уюшган жиноятчилик билан кураш бўлими ходимлари қўлга олиш режасини пухта ўйлашди. Куппа-кундуз куни Чилонзор даҳасининг гавжум кўчалардан бирида жиноятчилар талофатсиз қўлга олинди. Уларнинг ёнидан қўштингли қирқма миллик топилди. **СУРАТДА:** шаҳар ИИБ эксперт-криминалистика бўлими ходими, милиция капитани Маҳмуд Бекмаматов олинган қуролдан отиб кўряпти.

Александр КОШКИН олган сурат.

ТАЖРИБАДАН кўриниб турибдики, хонадонларни қўриқлаш соқчилик бўлимларида топширилганлиги кўп-лаб кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олмоқда. Сирдарё шаҳар ички ишлар бўлими қошидаги соқчилик бўлимига ўрнатилган ташвишгоҳ қурилмасининг ишлаб кетгани милиция капитани Аббос Тасов, милиция кичик сержанти Шукур Маллаев, Нурғози Ирсимбетовлардан иборат оператив гуруҳни йўлга етаклади.

КўНГИЛСИЗЛИК Олди олинди

Зудлик билан қилинган ҳаракат бекор кетмади. Илгари қилган талончилиги учун ИИБ томонидан қидирилаётган 1972 йили туғилган Шавкат Абдиев ва 1974 йили туғилган Маннон Ботировлар (тергов ишлари тугамаганлиги сабабли исм-шарифлари ўзгартириб берилмоқда) бу гал ўғирлик устида қўлга олинди. Бу шахсларга нисбатан жиний иш кўзгатилади.

Баҳодир ҚАҲҲОРОВ,
милиция катта лейтенанти.

Борис ВАСИЛЬЕВ

Фурдонанинг ҚАЙТАРИЛИШИ

(ҚИССА)



(Давоми. Боши аввалги сонларда)

Логвинов йўлак эшигидан қария хонасигача бир неча марта бориб келаркан, оёғи остига диққат билан тикиларди. Қўшни хонадондаги шитирлашни сезиб, у ердаги кекса аёл билан гаплашди, иккита қўшнидан суриштирди. Ҳеч ким ҳеч нарса кўрмаган, ҳеч нарса эшитмаган, худди бирор нарсани билиши керак эмасдай ҳам туюларди.

Одамлар унга энсаси қотиб қулоқ солишди. Уларда милицияга ёрдам бериш иштиғи йўқлиги аён эди.

Икки соат ўтгач, йўл-йўлакай прокуратурага ўтиб жиний иш қўзғаш тўғрисида қарор чиқарган терговчидан топшириқ олди ва бошқармадаги Смолянинов хонасига кирди. Полковникнинг кўзи остидagi қовоқлари шишган. Ялтираб турган тиниқ кўзларида қаҳр ва шубҳа қотиб қолгандек. Дмитрий Григорьевични яхши билмаганлар ёқтиришмасди. Смолянинов одамови, камгап ва талабчан одам. Шунинг учун баъзи бировлар мураккаб ва ҳавфли иши туфайли у бағридош бўлиб қолган, на атрофидаги одамларни, на қайнаб турган ҳаётни сезарди деб ҳисоблашарди. Раҳбарликдаги янги ўзгаришлар, бетўхтов ўсиб бораётган талаб, ички ишлар идоралари кадр сиёсатидаги янги руҳ бўлим бошлиғини кечқурунлари кўпроқ ва янада кўпроқ кабинетда қолиб кетишга мажбур этарди.

Смоляниновни яхши кайфиятда учратган киши деярли йўқ ҳисобида. Уриндиққа миҳланган ходим бўлмасда, у коридорда камдан-кам кўринарди. Дмитрий Григорьевич жон-жон деб оёғининг чигалини ёзарди-ю, ҳузуридан одам аримасди. Чўзилиб кетган мажлисларни жини суймаган Смолянинов қўл остидagi ходимлари билан юзма-юз суҳбатлашганда: «Иш ҳақида соат олтигача, ундан кейин — хоҳлаганингини гапир», — дейишни яхши кўрарди. Айлантириб келса, «хоҳлагани» ҳам ишга бориб тақаларди.

Бошлиқ Кимни узрли табассум билан қарши олди. Унинг бўйи Логвиновнинг елкасидан келса ҳам, бақувватлиги ва елкасининг кенглиги жиҳатидан анчагина устун эди. Ким одатига кўра таклифни кутмасдан эскичасига яшил мато ёпилган катта вазмин столга тиралган кичик стол ёнига ўтирди. Ҳамма шуни яхши билардики, полковник ўзидан юқори турган кишилар билан лақиллашни ёқтирмасди.

Кимни бу кабинетга тасодифан кириб қолган кишига ўхшатиш мумкин эди. Эгнида қуйиб қўйгандек тўқ кулранг бельгияча костюм-шим.

Қордек оппоқ қўйлаги ёқасига босиқ, лекин бежирим бўйинбоғ тақилган. У узун ва чайир панжаларида митти ручкани ушлаганича кичкина блокнотига нималарнидир қайд қиларди.

— Қани, Ким, дўнда ва аниқ гапир. Қотилликми?

— Балким.

— Балким деганинг нима-си? Ҳа ёки йўқ...

— Жабрланувчини урган... бўлишлари мумкин...

— Сичевнинг фикрича, бу тахмин ўринсиз.

— Оббо, шоввоз-ей, улгурибдида. — деди кулимсираб Ким. — У Костин томонга қараб йўлга тушмоқчи эди-ку!

— У ерда пишириб қўйиб дими? Кеча кечқурун ўша ёқдан келди. Участковой Карзаяни Пролетар ноҳия бўлимидан сенга йўллашларини кўнгирик қилиб айтиш учун уни ҳозиргина жўнатдим. Мана шу иш бўйича бирга бўласизлар. Хуллас, сен буни қотиллик деб ҳисобламайсан?

— Шундай бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Дарҳақиқат, ўнг томонда девор. Агар қария эшикни очётган пайтда зарба тушган деб гумон қилсак, девор ҳалақит бериши турган гап. Аммо уни елкасидан ушлаб, бурган бўлишлари ҳам мумкин.

— Шунча бош қотириб ўтириш шартмиди? Жўнгина тушириб, нима хоҳласа олиб, қочиб қолиш.

— Мен ҳам шундай деб ўйлагандим. Лекин биринчи қават зинапосидagi майдончанинг нақ ўзида панжара устунларидан бири тагидан синган. Чиқиб қолган ўткир темирда доғ бор. Терговчини хабардор қилдим. Қария зинапоядан кўтарилаётди йиқилиб тушгандай.

— Балким, — деди Смолянинов оҳиста курсидан кўзгалар экан. У кабинет бўйлаб одимлаб, мулоҳаза юритишни ёқтирарди. Шунинг учун у билан суҳбатлашаётган ходимларга бошларини тез-тез буриб туришга тўғри келарди.

— Менга қара, Ким Клинич, — полковник Логвинов қаршисида тўхтади, — бугуноқ жабрланувчининг шахсини батафсил аниқлаб чиқ. Кейин вақтни ўтказиб, оҳвоҳ чекишдан ва афсусланиб бошни чайқашдан наф йўқ. Уртамеёна изқувар бўлгандан ёмон шоир сифатида кун кечирган яхши. Бақироқлар устидан прокурорга шикоят қилишмайди. Ўзинг яхши биласан-ку.

Оддий ҳақиқатни аҳён-аҳёнда тилга оладиган бошлиқ сукут сақлаётганига Ким ҳайрон бўлиб қаради. Смоляниновни ҳодиса бежизга ташвишлантирмаётганини у ҳис қиларди. Бошлиқни яна нимадир безовталантирарди, бироқ негадир юзага чиқармасди. Ўиндагини эмас, тилидагини тўкиб соларди.

— Қария ёлғиз яшаган, — танаффусдан фойдаланиб оғиз очди Логвинов. — Қўшни квартирадаги кампир тез-тез ҳолидан хабар олиб турган. Хонасини супуриб-сидирган, баъзан овқатини пишириб берган.

— Ҳаммасини гапир, — унинг сўзини Смолянинов бўлди.

Елкасини қисган Ким папкасидан терговчи Медведова тўлдирган сўроққоғоз нусхасини чиқарди. У бошлиқнинг асл мақсадини англаш ниятидан воз кечди. Полковник ҳодиса тўғрисида гира-шира тасаввурга эга экан, уни жанозадан қақиритиш шартмиди?

(давоми бор)

АВТОБУСДАГИ ЎҒИРЛИК

Равшан Миртиллаев 1983 йилда ўғирлик қилгани учун ЎзССЖ Жиноят Мажмуасининг 125-моддаси 1-қисмига асосланиб, бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш иши билан жазоланганлигига қарамасдан, яна чўнтаккасарлигини давом эттирарди. Такрор ўғирлик қилгани учун 1985 йилнинг июль ойида Куйбишев ноҳия халқ суди томонидан уч йилга озодликдан маҳрум этилди.

1988 йили жазони ўтаб чиққанидан сўнг шаҳримиздаги «Лилия» кооперативига ишчи бўлиб жойлашиб олди. Топиш-тутиши ёмон бўлмаслигига қарамай, яна ўғирликни қўмсаб, қўшниси 22 ёшли Шавкат Ҳамидуллаевни ўзига шерик қилди.

Ўтган йилнинг 8 август кунини соат ўн бирларда улар Қорасув бозорига кирaverишда харид қилиб чиқаётганларга зимдан кўз югуртира бошладилар. Ниҳоят Миртиллаев ҳамтовонига сирли ишора қилиб, ёш болали аёлнинг изига тушди. Аёл Тошкент — Тўйтепа бўйлаб қатновчи автобус томон йўл олди. Ҳийлакорлик бобида пихини ёрган Миртиллаев олдинроқ автобусга чиқиб, уни кутиб турарди. Пинҳона кузатиб турган Тошкент шаҳар ИИБ жиноят қидирув бошқармаси ходимлари Баҳодир Шерматов, Олимжон Абдурахмонов, Отабек Асановлар гувоҳ сифатида икки йўловчининг диққатини ўғирларнинг бежо ҳаракатларига қаратдилар. Миртиллаев худди кўз бойлогичдек шундайин чаққонлик қилдики, гувоҳ йўловчилар фақатгина ўғирланган ҳамёнини у шериги Ҳамидуллаевга ошириб юборганини кўришга аранг улгурдилар. Шерматов ўзини жиноят қидирув бўлими ходими дея таништириб, аёлни автобусдан тушишини илтимос қилди. У нима бўлганига ҳам тушуниб етмасдан бекатга тушди ва фуқаро кийимидagi милиция ходимлари икки йилнинг қўлларини орқага қайирган ҳолда ушлаб турганликларини кўрди.

— Синглим, ҳеч нарса йўқотмадингизми? — сўради Шерматов. Саросимада қолган аёл беихтиёр чўнтакларига қўл солди. — Вой ўлмасам, ҳамёним... — Синглим, тинчланинг. Ҳамёнингиз ичида нималар бор эди? — Қирқ икки сўм пул билан озроқ чақалар, кейин уйимизнинг калити... — Ҳамёнингизни ўмарган мана шу икки йилгача бўлади. — Мени ўғри қилганингга ҳали пушаймон бўласанлар, олдин бўйнимга қўй, — дея бор овози билан қичқира бошлади Миртиллаев. Шерматов Ҳамидуллаевнинг камарига қистирилган ҳамёнини уларга кўрсатди. Аммо ўғрининг вазоҳатидан ҳадиксирарган жабрланувчи Танзила Собирова ялина кетди.

— Акажон, пулимга розиман, майли, фақат калитимни олиб беринг, илтимос. Гувоҳлар ва жабрланувчи иштирокида ҳамён, унинг ичидаги 42 сўм 18 тийин пул, калит ашъвий далил сифатида ҳужжатлаштирилди.

Тергов олиб бориш учун шаҳар ИИБ тергов бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги А. Шарипов тўпланган материалларни терговчи милиция катта лейтенанти Комилжон Содиқовга топширар экан: «Жиноятчи муқаддам икки марта судланган, ишни ниҳоятда пухта қилинг», — деб алоҳида таъкидлади.

Тергов давомида ўғирларнинг ҳомийлари К. Содиқовга, агар у ишни улар томонга ижобий ҳал этса, катта миқдорда пул беришларини ваъда қилишди. Бирор иш чиқариша олмагач, дўқ-пўписа йўлига ўтишди. Аммо Комилжон ўз касбининг фидойиси эди. Тергов ниҳоясига етказилиб, иш Ленин ноҳия халқ судига оширилди. 1990 йилнинг ноябрь ойида жиноятчилар устидан суд ўз ишини бошлади.

Судга гувоҳ сифатида келган Ш. баъзи бир сабабларга кўра тергов жараёнида берган кўрсатмаларини ёлгон деб, ўзини ҳеч нарса кўрмагандек кўрсатди. Бунинг устига жабрланувчи Танзила Собирова ҳам ари-

за ва кўрсатмасини терговчи дўқ-пўписа билан ёздирганини айтди. Ишни ўз томонларига ҳал бўлаётганини сезган судланувчилар ҳам терговчининг юзига қора суртмоқчи бўлдилар. Гўёки терговчи уларни қийнаб, айбларини бўйнига қўйган. Суд жараёнига раислик қилувчи Шукрулла Акбаров судга қақирилган терговчига мурожаат қилиб гувоҳ Ш. жабрланувчи Танзила Собирова ва судланувчилар айтган гафрийқонуний ҳатти-ҳаракатларни содир қилган-қилмаганлиги ҳақида гапириб беришни сўраганида, К. Содиқов бир лаҳза сукут сақлаб, қатъий равишда жавоб берди:

— Тергов чоғида айбдорлар айбларига иқдор бўлганликлари ҳақидаги ҳужжатга имзо чекаётганларида, Ленин ноҳия адвокатлар коллегиясининг оқловчиси Захрид Йўлдошев гувоҳ ва оқловчи сифатида иштирок этганлар. Ҳаммасини тасдиқловчи имзолар бор. Мен тергов давомида қонунга, виждонимга қарши борганим йўқ.

Суд жараёнида икки гувоҳ қақирув қоғози юборилганига қарамай келмаганлиги сабабли жараён кейинги кунга қолдирилди.

Эртаси кун суд ўз ишини давом эттирди. Суд ҳайъати тергов ҳужжатлари билан чуқурроқ танишиб чиқди. Икки гувоҳнинг берган кўрсатмалари эса судланувчиларнинг ва жабрланувчи Танзила Собированинг ёлгон кўрсатмасига хотима ясади.

Ленин ноҳия халқ суди фуқаро Равшан Миртиллаевни уч йил, Шавкат Ҳамидуллаевни икки ярим йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Шунингдек, суд мобайнида ёлгон кўрсатма берган жабрланувчи Танзила Собирова ЎзССЖ Жиноят Мажмуасининг 161-моддаси билан айбдор деб топилди ва тегишли ҳужжатлар шаҳар прокуратурасига юборилди.

И. РАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар ИИБ
ходими, милиция майори.

ҚЎШИҚ-МЕНИНГ ҲАЁТИМ

ШАНБА УЧРАШУВЛАРИ

Рўзномасеварлар истанини ҳисобга олиб, «Шанба учрашувлари» ойнасизини очишга, унда баракали ва дилтортар ижоди орқали эл тилига тушган санъаткорлар билан суҳбатлар бериб боришга қарор қилдик. Илк меҳмонимиз — таниқли бастакор, Ўзбекистон ССЖ телевидение ва радиозиттириш Давлат қўмитаси ҳузуридаги эстрада-симфоник оркестри бадий раҳбари ва бош дирижёри Анор Назаров.

— Анор ака, рўзноманиз ихлосмандлари таклифига биноян «Шанба учрашувлари»нинг биринчи меҳмони сиз бўлдингиз...

— Мен... нима учун мен? — у кулимсиради.

— Биласизми, бозор иқтисодиёти туфайли элимиздан саховат аталмиш муқаддас одат бироқ кўтарилаётган пайтда сиз милиция ходимлари ҳузурида бўладиган концертларни сира ҳам қолдирмайсиз. Балким шунинг учундир. Рухсатингиз билан суҳбатимизни бошласак.

— Марҳамат, ундай бўлса...

— Аввало ўзингиз ҳақингизда икки оғиз гапириб берсангиз...

— Нима десам экан — Тошкент вилоятининг Паркент ноҳиясида туғилганман. Кейин оиламиз тақдир тақозиси билан Бўкада истиқомат қилди. Бунинг тарихи узоқ, қолаверса, бу ҳақда рўзнома ихлосмандларига гапириб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак. Мусиқа мактаб-интернатда таҳсил кўрдим, кейин консерваторияни битирдим. 70-йилларда Тошкент шаҳар ИИБ қошида эстрада дастаси бор эди, шунга қатнашганман. Навоий номли ўзбек Давлат Академик Катта театрида, ўзбек Давлат филармониясида ишладим, Сатира театрида ишлашга тўғри келди. Мана ҳозир радиодан, шу...

— Ойлангиз?...

— Икки ўғлим бор, каттаси ўн ёшда — Дилшодимиз. Мусиқага ихлоси баланд. Кичик ўғлим Қаҳрамон уч ярим ёшда, у ҳақда бир нарса дейиш ҳозирча қийин. Келиннингиз эса 15-мусиқа мактабидан дарс беради. Умуман олганда оиламизда санъатдан узоқ кишининг ўзи йўқ.

— Айтайлик, баъзи кишилар сизни унчалик билмиш-



Суратда: Бастакор Анор Назаров, қўшиқчилар Шавкат Тошматов ва Нодира Раҳимовалар билан.

мас. Лекин ишончим комилки, сиз куй басталаган «Дўлана», «Юр, муҳаббат, кетдик бу ердан», «Азиз одамлар», «Тулпорларим», «Кетма, вафодор» номли қўшиқларни маза қилиб тинглаган. Биласизми, мени ҳозир биринчи қўшиқингиз туғилиши қизиқтиряпти.

— Биринчи қўшиқимми... эсласам ширин энтикиб кетаман. Уша пайтларда ёш бастакорга ижод намунасини рўёбга чиқариш қийин эди. Дастлабки қўшиқим «Тревоги мира» тайёр бўлгандан кейин уч йилгача маданият вазирлигидан ўтмади. Фалакнинг гардиши билан комсомолнинг 60 йиллигига аталган катта концертда (Халқлар дўстлиги саройида) таниқли хонанда Исмоил Жалилов шу қўшиқимни «Булбулча» болалар хори ва оркестр жўрлигида ижро эди. Ушанда... мен учун ҳаётимда биринчи байрам бўлганди.

— Тўғриси айтганда у қўшиқингиздан хабарим йўқ. Лекин мен билган қўшиқларингизда асосан севги, муҳаббат тараннум этилади. Бу, нима дейсиз, ижодда бир ёқламаллик эмасмики?

— Йўқ, мутлақо ундай эмас. Келинг, чуқурроқ мулоҳаза; юритиб кўрайлик. Муҳаммад Юсуф сўзи билан

айтиладиган «Азиз одамлар» қўшиғи:

«Дунёда яшолмас ёлғиз ҳеч киши,

Одам бор — одамзот билан у тирик.

Шодлигим-шодлиги, дардимга шерик.

Азиз одамлар...» Менимча, бу муҳаббат тараннуми эмас. Ёки олайлик, «Алдама» қўшиғи. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Нурриддин Ҳайдаров қиёмига етказиб айтган. Ўзимга жуда ёқади. Менимча, бу қўшиқ тингловчини ҳалолликка, садоқатга ундайди. Яхши эсламан, ёшлигимизда чойхонага кирган кишидан чойхоначи дарров пул талаб қилмасди. Битта патнисда, дейлик, иккита нон, бир ҳовуч қанд, бир чойнак чойни ҳурмат билан чойхўрнинг олдига қўйиб, яна бошқа иш билан машғул бўларди. Бир-бирини алдаш қаёқда эди дейсиз. Ҳозир-чи? Ҳа, кўп нарсаларни йўқотдик. Энди бояги саволингизга жавоб — мен умуман инсония улуғлашга, унинг эзгуликка бўлган муносабатини, гўзал ички кечинмаларини мадҳ этишга интиламан.

— Янги асар яратиш учун ким кўпроқ ҳаракат қилади — шоирми ёки сиз?

— Бир нарса дейиш қийин. Мисол учун мен забардаст шоирлар Анвар Обид-

жон, Муҳаммад Юсуф, Шукур Қурбон, Муҳаббат Иброҳимова, Пўлат Мўминлар билан ҳамкорлик қиламан. Тўғриси айтганда уларнинг ҳузурига мен биринчи бўлиб борганман. Ҳатто Муҳаббатнинг шеърини рўзномада ўқиб қолгач, ўзи билан шахсан танишиш учун Фарғонага учганман. Нима деймиз, худо берган одат...

— Сир эмас, сиз куй басталаган қўшиқлар биронта муҳлиснинг эътиборидан четда қолмайпти. Лекин, қандай ўйлайсиз, шу қўшиқлар йиллар ўтиб ўзингизга ёқмай қолиши мумкинми?

— Билмадим. Мен баъзи қўшиқлар устида етти йиллаб ишлайман. Она ўз ҳомиласини қорнида тўққиз ой кўтариб юради. Мен эса етти йил. Келинг, «Аразлама» қўшиғини олайлик. Анвар Обиджон сўзи билан, эслайсиз-а?

— Ҳа, албатта... Шу қўшиққа биттагина шеър асос бўлган деб ўйласангиз керак?

— Шунга бўлса керакда...

— Янглишасиз. Яна кўнглингизга келмасин, мен сизни имтиҳон қилаётганим йўқ. Шу қўшиқ иккита шеърдан яралганини айтмоқчиман, холос. Дастлаб

шоирнинг китобчасини ва рақлаб ўтириб, «Ўтаётиб» сарлавҳали шеър устида ишлагим келди. Лекин нимадир етишмаётгандек бўлаверди. Орадан йиллар ўтди. Яна бир кун ўша китобчани титкилаб ўтириб, «Чамаси» номли шеър эътиборимни тортди:

«Балки сизга гул керакдир?

Олақолинг, гулимни, Балки сизга дил керакдир?»

Олақолинг дилимни...»

Ана шу тўрт мисрани юқоридagi «Ўтаётиб» номли шеърга улаб юборишни шоирга таклиф қилдим. Анвар ака шу ердаёқ таклифимни маъқуллаб, мана бу мисраларни ёзиб бердилар:

«Атиргулни ҳидлагайман, Тўзимасдан-бузмасдан, Гўё сени ўпганимдай, Оромингни бузмасдан.»

Кейин биргаликда «Аразлама, жоним, аразлама» деган сўзларни қўшдик. Ҳар қолда бу изланиш машаққатини ҳис қилсангиз керак.

— Бир пайтлар турли мавзулардаги қўшиқлар бўларди. Ҳозир шу нарса бастакорларимизнинг эсидан чиқиб кетдим, дейман?

— Фаҳмлашимча, Гулсара Еқубова ижро этган «Милиционер ёрим бор» қўшиғини назарда тутаяпсиз, шекилли? Ким эшитади шунга зўраки қўшиқларни? Қолаверса, деҳқонга алоҳида, ишчига алоҳида, милиционерга ёки саргарошга алоҳида қўшиқ яратиш бачканаликдан ўзга нарса эмас. Мисол учун «Азиз одамлар» милицияга тааллуқли эмасми, ёки «Юр муҳаббат, кетдик бу ердан»ни милиция ходимлари эшитмайдими? Милиция ходимида ҳам қалб бор, юрак бор...

— Анор ака, ўзингиз биласиз, айна пайтда милиция ходимларини ҳар томонлама тарбиялаш тўғрисида кўп гапираямиз. Борди-ю, ички ишларда санъат жонлангирилса, фойдаси бўлармикин?

— Бўлганда қандоқ. Қани энди вазирлигингиз раҳбарлари бу борада ташаббус кўрсатиб, ҳеч бўлмаса битта даста тузилса. Жон-жон деб ҳамкорлик қилган бўлардим.

— Фурсат ажратиб, «Шанба учрашувлари»га ташриф буюргангизда учун минг раҳмат. Анор ака, қалбга яқин қўшиқлар яратишда сизга куч-қувват ва омад ҳамниша ёр бўлсин.

— Қўллуқ...

Суҳбатдош Раҳмонали ҚОСИМОВ.

«ПОСТДА»

«Постда» рўзнома бўлсин, Шояд ростнома бўлсин. Нохуш хабар кам бўлиб, Хушxabарга у тўлсин. Рўзномани қутлаймиз, Эзгуликни кутгаймиз. Сафарлари ёр бўлсин, Камарбаста бўлгаймиз.

Абдурашид ШОДИЕВ, милиция майори.

ТўРТЛИК

Тумандай қоплайди йўлимни оҳинг, Адашарман йўлимдану сўзимдан. Тарк этмайди мени маъюс нигоҳинг, Ва қочарман, гоҳо ўзим ўзимдан.

Муҳаббат ИБРОҲИМОВА, милиция лейтенанти.

БОШҚОТИРМА



1. Йўл ҳаракати назорати ходими.
2. Милиция ходими ахбороти.
3. Жинорий ишни очишда қатнашувчи мансабдор шахс.
4. Ҳарбий хизматдан нафақага чиқиб.
5. «Постда» рўзномасини ҳафтада 3 мартаба уйга олиш йўли.
6. Суд қарорининг бир тури.
7. Хизмат ўрин, лавозим.
8. Ички ишлар идораси.
9. Бирор кимнинг манфаатини ҳимояловчи ҳуқуқий шахс.
10. Ички ишлар вазирлиги ўқув ёки олий мактабининг талабаси.
11. Содир қилинган жиноятни тан олмаслик.
12. Молиявий текшириш, гафтиш.
13. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Ҳамза» романининг муаллифи.

ХАНДАЛАР

Ҳушёрхона ходими бу ерга тушган мижозга деди: — Биласизми, «меҳмонхона»мизга нечанчи тушишингиз? — Хотиним билади. — Ия, бунга уни нима алоқаси бор? — «Меҳмонхона» жаримасини хотиним тўлайди-да.

Шаҳар ички ишлар бўлимига бир нуруний киши кириб, навбатчига мурожаат қилди: — Ўғлим йўқолиб қолди. Мабодо сизларга тушиб қолмадимкин!... — Отахон, йўқолганига неча кун бўлди! — Бугун билан роппа-роса 32 кун бўлди. — Нега энди 32 кун бўлгандагина мурожаат қилдингиз? — Кеча пенсия олгандим, у келмади.

М. БОЛТАБОЕВ.

Муҳаррир 3. ОТАЕВ.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ»)

Орган коллегии МВД УзССР

Индекс: 64615

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома офсет усулида, А-3 қолипда босилган.

Зак. 4748.

Телефонлар: Муҳаррир — 32-38-86, муҳаррир ўринбосарлари — 39-77-23, маълумотлар учун — 39-70-40.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.